

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**БОЕВ БЕКЗОДЖОН ЖЎРАҚУЛ ЎҒЛИ**

**АКЦИЯЛАРНИ ОММАВИЙ ЖОЙЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Боев Бекзоджон Жўракул ўғли**

Акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини  
такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари . . . . . 3

**Боев Бекзоджон Журакул угли**

Основные направления совершенствования практики публичного  
размещения акции . . . . . 27

**Boev Bekzodjon Jurakul ugli**

The main directions of improving the practice of public offering of  
shares . . . . . 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works . . . . . 53**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**БОЕВ БЕКЗОДЖОН ЖЎРАҚУЛ ЎҒЛИ**

**АКЦИЯЛАРНИ ОММАВИЙ ЖОЙЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iqt1297 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Элмирзаев Самариддин Эшқуватович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жумаев Нодир Хосиятович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Суюнов Дилмурод Холмуродович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «7» 01 соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборт-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 245 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «24» 12 кун тарқатилди.  
(2021 йил «24» 12 даги 4 рақамли реестр баённомаси).



**Т.З.Тешабаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ф.К.Холмаматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**И.Н.Кўзиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки компаниялар ўз фаолиятларини молиялаштиришда турли хил манбалардан кенг фойдаланадилар. Улар орасида акцияларни очик тартибда оммавий жойлаштириш (IPO ва SPO) амалиётлари кенг қўлланилиб келинаётганлиги ва бунинг натижасида компаниялар томонидан қисқа муддатда йирик миқдорда капитал жалб қилинаётганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Хусусан, 2019 йилда фонд бозоридаги энг йирик IPO амалиётини «Saudi Aramco» компанияси муваффақиятли ўтказди ва 25.6 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб қилишга ҳамда 2014 йил «Alibaba group» компанияси IPO амалиётини муваффақиятли ўтказиш натижасида 25.0 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб қилишга эришган.<sup>1</sup> Қолаверса, IPO амалиётини муваффақиятли ўтказиш натижасида «Visa» компанияси 17.9 миллиард АҚШ доллари миқдорида, «Facebook» компанияси 16.0 миллиард АҚШ доллари миқдорида, «General motors» компанияси 15.8 миллиард АҚШ доллари миқдорида, «Deutsche Telekom» компанияси 13.0 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб қилишга эришган.

Жаҳонда акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини такомиллаштириш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда оммавий жойлаштириш амалиётининг иқтисодиётдаги ўрни, уларнинг турлари ва моҳияти, корпоратив тузилмалар томонидан ушбу амалиётни ташкил этишнинг аҳамияти ва зарурияти сингари масалалар қамраб олинган. Бироқ, мазкур тадқиқотларда акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини самарали ташкил этишга хос муаммолар ва қонуниятлар, хусусийлаштириш мақсадида акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётлари, оммавий жойлаштиришдан сўнг инвесторлар билан муносабатлар тизими самарадорлиги, акцияларни оммавий жойлаштиришда савдо ташкилотчилари фаолият хусусиятлари билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар етарлича ўрганилмаган. Бу жиҳат ўз-ўзидан акцияларни оммавий жойлаштириш орқали хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантириш, инвесторлар билан муносабатлар тизимини самарали ташкил этиш ҳамда савдо ташкилотчилари фаолият хусусиятларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда оммавий жойлаштириш амалиётини самарали ташкил этиш масалалари юзасидан олиб бориладиган тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда оммавий жойлаштириш амалиётини ривожлантириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилаётганлигига қарамадан акциядорлик жамиятлари томонидан ушбу амалиётни ташкил этиш орқали капитал жалб қилиш масаласи эътибордан четда қолмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев

---

<sup>1</sup> Lizzy Gurdus. Saudi Aramco and Alibaba made for a great 2019 in IPO market despite Uber, Lyft busts. // December 29, 2019;

томонидан 2017 йил 7 февралда имзоланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида «аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш», «алоҳида миллий корхоналар акцияларининг хорижий нуфузли фонд биржаларида дастлабки тарзда жойлаштирилишига эришиш (IPO), уларнинг хорижий капитал бозорига чиқишини таъминлаш»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган, лекин ҳукумат қарорларида келтирилган «Шаҳрисабз вино-ароқ», «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Алоқабанк» АТБ, «Asia Alliance Bank» АТБ, «Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё биржаси» сингари акциядорлик жамиятлари томонидан оммавий жойлаштириш амалиёти ташкил этилмастан қолган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелда «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6207-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелда «Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5073-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелда «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4300-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 268-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 358-сонли Қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётининг назарий асослари, акциядорлик жамиятлари томонидан ушбу амалиётни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, ташкил этиш босқичлари, афзалликлари ва камчиликлари, акцияларни оммавий жойлаштириш амалиёти орқали капитал жалб қилишнинг акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришда тутган ўрни бўйича кўплаб хорижий олимлар жумладан, L.Gurdus, I.Welch, J.Ritter, T.Chemmanur, Gang Hu, J.Huang, P.Геддес, U.Gukbilmez, T.Briain, Chui Zi Ong, R.Mohd-Rashid,

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сонли Фармонидан.

K.Nisham T.Mohd, H.Huanga, M.Chiang, J.Linc, Yun Lin, A.Pesterac<sup>3</sup> ҳамда МДХга аъзо давлатларнинг А.Дементьева, Дж.Дрейхо, П.Льювутин, О.Фетцер, Л.Борлакова, Н.Матанова, А.Петкивич, Ю.Эрмоловская, А.Шербина<sup>4</sup> каби олимларининг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан И.Бутиков, Б.Тошмуродова, С.Элмирзаев, Ф.Мухамедов, Ж.Каримкулов, Ж.Қурбонов, Н.Турсунова, У.Холиқов, Қ.Чинқулов, А.Шомиров, Х.Худойкулов, Х.Тиллаев, А.Аликулов, А.Каримов<sup>5</sup> ларнинг илмий ишларида мазкур масаланинг алоҳида муҳим жиҳатлари ўз аксини топган.

<sup>3</sup> Lizzy Gurdus. Saudi Aramco and Alibaba made for a great 2019 in IPO market despite Uber, Lyft busts. // December 29, 2019; Welch I., Ritter J. A review of IPO activity, pricing and allocations, Yale ICF Working Paper, #02-11, February 8, 2002.; Thomas Chemmanur, Gang Hu, Jiekun Huang. The Role of Institutional Investors in Initial Public Offerings. // The Review of Financial Studies, November 2010. – P.46.; Геддес Р. IPO и последующие размещения акций / [Пер. с англ. Ю. Кострубова]/Р. Геддес. – М.: Олимп-Бизнес – Экмос, 2008. – с. 352.: ил.; Ufuk Güçbilmez, Tomás Ó Briain. Bidding styles of institutional investors in IPO auctions. // Journal of Financial Markets, 2 June 2020, 100579. – P.21.; Chui Zi Ong, Rasidah Mohd-Rashid, Kamarun Nisham Taufil-Mohd. Do institutional investors drive the IPO valuation? // Borsa Istanbul Review, 19 May 2020.; Hsin-Yi Huang, Min-Hsien Chiang, Jia-Hui Linc, Yun Lin. Fixed-price, auction, and bookbuilding IPOs: Empirical evidence in Taiwan. // Finance Research Letters 22 (2017) 11-19.; Aleksandra Pesterac. The importance of initial public offering for capital market development in developing countries. // ECONOMIC THEMES (2020) 58(1): 97-115 pages.

<sup>4</sup> Дементьева А.Г. Эволюция корпоративных структур и система корпоративного управления. // Менеджмент сегодня, 2008. - №1. - С.3; Дрейхо, Дж. «IPO. Как и почему компании становятся публичными» / Пер. с англ. / Дж. Дрейхо. – М.: Издательство «Весь Мир», Издательский дом «ИНФРА-М», 2008. – 392с.; Льювутин, П.П. О.В. Фетцер Первичные публичные размещения акций: обзор исследований/ П.П. Льювутин, О.В. Фетцер //Журнал Корпоративные финансы – 2007. - №1. – с.145-189.; Борлакова Л.А. Влияние IPO на конкурентоспособность российских компаний. Автореферат. к.э.н. – Москва, 2013.-С.27.; Наталиа Матанова, Tanja Steigner, Ninon Sutton, Linh Thompson. The influence of private equity and venture capital on the post-IPO performance of newly-public acquirers. // The North American Journal of Economics and Finance Volume 59, January 2022. – 16 pages; Алекс Петкевич, Taufique Samdani. The equilibrium prices of auction IPO securities: Empirical evidence. // Journal of Financial Markets, 18 February, 2021. – 18 pages; О. Ю. Эрмоловская, Т.А. Шербина. Features of carrying out IPO of the company in Russia. // II International Scientific Conference GSRMED 2019 «Global Challenges and Prospects of the Modern Economic Development», 2019. – 6 pages.

<sup>5</sup> И.Бутиков. Акциядорлик жамиятини қимматли қоғозлар чиқариш ҳисобига молиялаштириш афзалликлари ва камчиликлари // Корхонани бошқариш – Тошкент 2012.-№10(64).-Б-9.; Б.Тошмуродова ва бошқалар. Корпоратив молияни бошқаришнинг долзарб масалалари: Монография. – Т.: «Иқтисод-молия», 2017. – Б. 188 бет.; Элмирзаев С. Корпоратив молия. Дарслик. – Т.: «Иқтисод-молия», 2019 й. 363 бет.; Элмирзаев С. Замонавий корпоратив бошқарув: Дарслик / - Т.: «Иқтисод-молия», 2019. – 416 б.; Мухамедов Ф. «Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларини ривожлантириш йўналишлари» мавзусидаги иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати: Т.: 2019. – 76б. Каримкулов Ж. «Ўзбекистон иқтисодиётида қимматли қоғозлар бозори ролини ошириш йўллари» И.ф.н. илмий даража. олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 20б. Ж.Қурбонов ва бошқалар. Халқаро IPO амалиётлари таҳлили: ташкилий хусусиятлари ва институционал инвесторлар иштироки. «Иқтисод ва молия» илмий журнали. №1(137) 2021 йил. – Б.57.; Н.Турсунова. «Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш йўллари». Иқтисодиёт фанлари бўйича PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати: Т.: 2019 йил.; Халиков У. «Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш». Иқтисодиёт фанлари бўйича PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати: – Т. БМА. 2017 й. – 54 б; Қ.Чинқулов. Республикамизда илк IPO ҳамда SPO: ютуқлар ва муаммолар. // «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. № 5, октябрь, 2019 йил. – Б.12.; Шомиров А. Акциядорлик жамиятлари: ташкил этилиши ва хусусиятлари. «Biznes-эксперт» илмий-амалий, иқтисодий ойлик журнали. №12(96)-2015. 28.01.2016й. Худойкулов Х. «Фонд бозори активларини баҳолаш механизмини такомиллаштириш». Иқтисодиёт фанлари бўйича PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати: – Т.: БМА. 2018 й. – 24 б. Х.Тиллаев. «Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш». Иқтисодиёт фанлари бўйича PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати: Т.: 2020, 20-б. А.Аликулов. «Ўзбекистонда фонд бозори орқали капитал оқимини ошириш». Иқтисодиёт фанлари бўйича PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати: Т.: 2021, 52 б. А.Каримов. «Аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш орқали қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш». Иқтисодиёт фанлари бўйича PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати: Т.: 2021, 58 б.

Юқорида номлари келтирилган олимлар ўз илмий изланишларида акциядорлик жамиятлари томонидан эмиссия қилинган акцияларни айрим жиҳатларини тадқиқ этган бўлсаларда, айнан акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини тадқиқот объекти сифатида ўрганмаганлар. Мазкур ҳолатлар ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазибаларини белгилашга асос бўлади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Рақамли иқтисодиёт шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги стратегик йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазибалари** қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштиришнинг назарий жиҳатлари ва замонавий инструментларини ёритиб бериш;

акциялар қиймати ва даромадлилигини баҳолашнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш;

акцияларни оммавий жойлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ва унинг асосий элементларини ўрганиш;

мамлакатимизда қимматли қоғозлар савдосини ташкил этишнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

«Кварц» акциядорлик жамияти томонидан акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини таҳлил қилиш;

«Қўқон механика заводи» ва «Жиззах пластмасса» акциядорлик жамиятлари томонидан акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини таҳлил қилиш;

мамлакатимизда акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини такомиллаштиришда хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш истиқболларини аниқлаш;

мамлакатимизда акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини жароёнлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини ташкил этиш жароёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаш, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, таққослаш, индукция ва дедукция каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори акциядорлик



жамиятлари уставида битта акциядор эгалик қилиши мумкин бўлган улуш бўйича энг юқори чегарани белгилаб қўйиш орқали улар акцияларининг бирламчи ва иккиламчи оммавий жойлаштирилишида инвесторлар, хусусан институционал инвесторларнинг ўз улушларини ошириб бориш имкониятини бериш орқали хусусийлаштиришни самарали ташкил этиш таклиф этилган;

давлат улушини хусусийлаштириш нуқтаи назаридан акцияларни оммавий жойлаштиришда андеррайтерлар томонидан акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибadorлиги акция курси ўзгариши динамикаси ва потенциал инвесторлар реал талаблари асосида акциялар нарх диапазонини белгилаш таклиф этилган;

акциядорлик жамиятлари томонидан индивидуал инвесторларга акцияларни оммавий таклиф қилиш даври сифатида аҳоли даромадлиги ва харид қуввати нисбатан юқори бўладиган даврни белгилаш таклиф этилган;

рентабеллиги ва бозордаги нуфузи юқори давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари устав капиталидаги давлат улушини SPO амалиёти орқали бозор баҳосида сотиш ҳамда хусусийлаштиришнинг кейинги босқичларини самарали ташкил этиш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари акцияларининг оммавий таклифларида андеррайтерга акциядорлик жамияти билан тузилган шартнома асосида акциялар тақсимланадиган инвесторларни танлаш, шунингдек, инвесторларга IPO ва SPO доирасида харид қилинган акцияларни сотиш тақиқланадиган муддатни белгилаш ҳуқуқи бериш орқали соф корпоратив бошқарувга ўтиш ҳамда акциядорлар фаоллигини таъминлаш масалалари асослаб берилган;

инвесторлар, хусусан хорижий инвесторлар томонидан депо ҳисобварақларини онлайн тартибда очиш ва акцияларни оммавий жойлаштиришларда масофадан ариза бериш ҳамда қимматли қоғозларни сотиб олиш учун буюртма бериш тартибини белгилашнинг ижобий томонлари кўрсатиб берилган;

акциядорлик жамиятлари томонидан акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини ташкил этиш орқали қисқа муддатда катта миқдорда пул маблағлари жалб қилиш ва бу ўз навбатида кенг кўламли бизнес фаолиятини янада ривожлантириши асослаб берилган.

мамлакатимизда мавжуд акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат улушининг юқори эканлиги ва уни SPO амалиёти орқали сотишнинг ижобий жиҳатлари кўрсатиб берилган;

IPO ва SPO амалиётини ташкил этиш орқали компаниянинг нуфузи ошиши, унинг бозорда танилиши ва инвестицион жозибadorлиги таъминланиши асосланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар расмий манбалардан олинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Капитал бозорини ривожлантириш департаменти, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, «Тошкент» Республика фонд

биржаси, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси, «Кварц», «Кўқон механика заводи» ва «Жиззах пластмасса» акциядорлик жамиятлари, хорижий компаниялар, халқаро биржалар ассоциацияси каби ташкилотларнинг очик маълумотлари таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистонда акцияларни оммавий жойлаштиришни халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар мамлакатимизда акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини такомиллаштириш бўйича қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳамда олий таълим муассасаларида «Инвестиция ва инновациялар», «Корпоратив молия», «Молия бозори» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори акциядорлик жамиятлари уставида битта акциядор эгалик қилиши мумкин бўлган улуш бўйича энг юқори чегарани белгилаб қўйиш орқали улар акцияларининг бирламчи ва иккиламчи оммавий жойлаштирилишида инвесторлар, хусусан институционал инвесторларнинг ўз улушларини ошириб бориш имкониятини бериш орқали хусусийлаштиришни самарали ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6207 сонли Фармони билан тасдиқланган “2021-2022 йилларда капитал бозорини ривожлантириш Дастурини амалга ошириш бўйича йўл харитаси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 29 июндаги 06/04-01-32/1656-сон маълумотномаси). Натижада ушбу таклиф орқали самарали хусусийлаштириш ва корпоратив молиявий муносабатлар ривожланишига эришилган;

давлат улушини хусусийлаштириш нуқтаи назаридан акцияларни оммавий жойлаштиришда андеррайтерлар томонидан акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибадорлиги акция курси ўзгариши динамикаси ва потенциал инвесторлар реал талаблари асосида акциялар нарх диапазонини белгилаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6207-сонли Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 29 июндаги 06/04-01-32/1656-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф акцияларни оммавий жойлаштиришга пухта тайёргарликни кафолатлайди;

акциядорлик жамиятлари томонидан индивидуал инвесторларга акцияларни оммавий таклиф қилиш даври сифатида аҳоли даромадлиги ва

харид қуввати нисбатан юқори бўладиган даврни белгилаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300-сонли Қарорига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 29 июндаги 06/04-01-32/1656-сон маълумотномаси). Натижада “Кварц” акциядорлик жамияти SPO амалиёти 2019 йил октябрь ойида бошланган ва оммавий таклиф этилган акциялар 100 фоиз жойлаштирилган;

рентабеллиги ва бозордаги нуфузи юқори давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари устав капиталидаги давлат улушини SPO амалиёти орқали бозор баҳосида сотиш ҳамда хусусийлаштиришнинг кейинги босқичларини самарали ташкил этиш таклифи. Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида рентабеллиги юқори бўлган давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларини SPO механизмини қўллаш орқали капитал бозоридан кўпроқ молиявий ресурс жалб қилишга эришилади. Шу боисдан мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300-сонли Қарорига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 29 июндаги 06/04-01-32/1656-сон маълумотномаси). Натижада “Кварц” акциядорлик жамиятидаги 5 фоизлик давлат улуши SPO ўтказилиши натижасида 15,81 миллиард сўмга сотилишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 3 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 126 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, тадқиқотнинг вазифалари, тадқиқотнинг объекти, тадқиқотнинг предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий

натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини ташкил этишнинг назарий-иқтисодий асослари ва зарурати**» деб номланган биринчи бобида акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштиришнинг назарий жиҳатлари ва замонавий инструментлари, акциялар эмиссия қилиш тартиби ва фундаментал асослари, акцияларни оммавий жойлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ва унинг асосий элементлари ўрганилган. Шунингдек боб якунида тегишли хулосалар келтирилган.

Корпоратив тузилмалар олдида доимо бизнесни кенгайтириш, истиқболли лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш, фаолият самарадорлигини ошириш, инновацион технологияларни қўллаш орқали йирик миқдорда молиявий ресурсларни жалб қилиш сингари масалалар ётади. Ушбу масалаларни ижобий ҳал қилишда корпоратив тузилмалар томонидан капитал жалб қилиниши зарур. Ривожланган давлатлар амалиётини ўрганган ҳолда айтадиган бўлсак, бугунги кунда молия бозорида капитал жалб қилишнинг энг кенг тарқалган ва самарали усулларида бири сифатида акцияларни оммавий жойлаштириш (IPO, SPO) амалиётларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ҳам молия бозорини ривожлантириш, акциядорлик жамиятлари томонидан акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини ташкил этиш орқали маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш, ушбу амалиётда институционал инвесторлар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш соҳасида қатор ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Фонд бозорида акцияларни оммавий жойлаштириш (IPO, SPO) амалиётларини ташкил этиш орқали катта миқдорда капитал жалб қилиш, акциялар нархининг ошишига эришиш, инвестицион жозибадорликни ошириш, ўзининг халқаро имижини шакллантириш каби ижобий жиҳатларга эришиши мумкин. Шу билан бир қаторда, бу жараёни самарали ташкил этилишида молиявий маслаҳатчи ва андеррайтер сифатида танланган институционал инвесторларнинг ҳам аҳамияти юқорилигини эътироф этишимиз лозим.

Шу билан бир қаторда, акциядорлик жамиятлари томонидан акцияларни оммавий жойлаштириш (IPO, SPO) амалиётини ташкил этиш масаласи юзага келганда, албатта оммавий жойлаштириш амалиётига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш босқичлари жараёнида маълум бир жиҳатларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки бу жиҳатларни инобатга олиниши акциядорлик жамиятлари томонидан ташкил этилаётган оммавий жойлаштириш амалиётини муваффақиятини таъминлаб беради (1-расм).



**1-расм. IPO амалиётига таъёргарлик кўриш ва ўтказиш босқичлари<sup>6</sup>**

1-расмдан кўринадикки IPO амалиёти тўрт босқичли жараён бўлиб, узок вақтни ва йирик миқдордаги харажатларни талаб қилади. IPO амалиётига таъёргарлик кўриш ва ўтказишнинг ҳар бир босқичида амалга ошириладиган ишлар ушбу амалиётни муваффақиятини таъминлаб беради. Жумладан, биринчи босқичда молиявий консултант танланади, стратегия белгиланади, халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботлар ва аудиторлик ҳисоботлари эълон қилинади, ташкилий ўзгаришлар амалга оширилади ва корпоратив тузилмаларнинг очиқ кредит тарихи яратилади. Иккинчи босқичда юридик ва молиявий экспертизалардан ўтказиш бўйича шартномалар тузилади, акциядорлик жамияти фаолияти юридик экспертизадан ўтказилади, молиявий ҳолат таҳлил қилинади ва ишончлилиги аудитдан ўтказилади. Учинчи босқичда эса эмиссия проспекти таъёрланган ҳолда тегишли муҳокамалардан ўтказилади ҳамда тасдиқланади. Шунингдек, ушбу босқичда потенциал инвесторлар билан бевосита учрашган ҳолда тақдимотлар ўтказилади, акциялар тегишли давлат органларида ва фонд биржаларида рўйхатдан ўтказилади, акцияларни жойлаштиришнинг энг паст нархи белгиланади ҳамда андеррайтерлар билан шартномалар тузилади. Энг охириги тўртинчи босқичда эса акциялар савдоси бошланганлиги эълон қилинади ва бевосита савдолар амалга оширилади бошланади. Шу билан бир қаторда, IPO амалиётини муваффақиятли бўлиши учун оммавий жойлаштириш вақтини ва мамлакат иқтисодиётнинг жорий ҳолатини ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки мамлакатдаги нобарқарор вазият капитални жойлаштириш бўйича риск даражасини кескин ошириши ва кутилаётган натижага эришиш имкониятини пасайтириши мумкин.

Акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини ташкил этиш корпоратив тузилмаларга қисқа муддатда йирик миқдорда капитал жалб қилиш, компаниянинг инвестицион жозибадорлигини ошириш сингари бир қанча имкониятларни бериши билан бир қаторда бир қанча камчиликлари ва

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

юзага келтириши мумкин бўлган хавф-хатарлари мавжуд. Буни биз қуйидаги SWOT таҳлилда келтириб ўтганмиз. Бу жараён бизга компания учун юзага келадиган имкониятлар ва салбий жиҳатларни прогноз қилиш имконини беради (2-расм).



2-расм. IPO амалиётининг SWOT таҳлили<sup>7</sup>

2-расмдан кўринадики акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) амалиётини ташкил этиш корпоратив тузилмалар учун йирик миқдорда капитал жалб қилиш, акциялар капитали орқали корхонанинг ликвидлигини ошириш, компаниянинг инвестицион жозибadorлигини ошириш, мулкни мақбул нархда жойлаштириш, компаниянинг музокара кучини ошириш, корхонанинг узок муддатли ривожланиш мақсадларини амалга ошириш ва бозорда юқори рақобатбардошликка эришиш сингари имкониятларни тақдим этади. Юқорида таъкидланган ижобий жиҳатлар билан бир қаторда IPO амалиётининг корпоратив тузилмалар учун юзага келтириши мумкин бўлган бир қанча салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Ахборотни оммавий равишда ошкор қилиш, эмиссия харажатларининг юқорилиги, IPO орқали акцияларни чиқариш жараёнининг мураккаблиги, акцияларнинг паст баҳоланиши, компаниянинг бошқа йирик компаниялар томонидан қўшиб олиниши шулар жумласидандир.

Юқорида таъкидланган жиҳатларни ва хорижий амалиётни ўрганган ҳолда таъкидлашимиз мумкинки акциядорлик жамиятлари томонидан IPO амалиётини муваффақиятли ташкил этилиши натижасида йирик миқдорда капитал жалб қилинади, акциядорлик жамиятининг ликвидлилик даражаси ошади ҳамда ёпиқдан очикқа ўзгаради.

Дунё амалиётида акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини ташкил этишнинг қатъий нарх, аукцион ва book building усуллари мавжуд бўлиб, ҳар бир усулнинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд (1-жадвал).

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

IPOларни ташкил этиш усуллари афзаллик ва камчиликлари<sup>8</sup>

Усуллари	Афзалликлари	Камчиликлари
<b>Қатъий нарх усули</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- акциялар олдиндан белгиланган нархда сотилиши;</li> <li>- инвесторлар қамрови кенглиги;</li> <li>- акциялар пакети ликвидлигининг ва савдосининг жадаллашуви;</li> <li>- чакана компаниялар акциялари нархи барқарорлашуви.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- инвесторлар сони жуда кўплиги;</li> <li>- нархларни аниқлашда инвесторлар иштирок этмаслиги;</li> <li>- нархларни юқори белгилаш ёки паст белгилаш risksи мавжудлиги.</li> </ul>
<b>Аукцион усули</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- рақобатбардош савдоларни таклиф этиши;</li> <li>- келгуси листинг ва IPOлар учун кўшимча маълумотлар базасини тақдим этиши;</li> <li>- усулнинг стандардлашуви ва марказлашуви;</li> <li>- бозор қоидалари асосида нархни аниқланиши ва клиринг нархини ҳисоблашнинг шаффофлигини таъминланиши;</li> <li>- учинчи шахслар билан музокараларни чеклаши;</li> <li>- нархни белгиловчи асосий харидорга эҳтиёж йўқлиги.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- савдо натижаларини башорат қилиш қийинлиги;</li> <li>- инвесторларга ахборот тўплаш учун қилинган харажатларни қоплаш қафолатланмаслиги;</li> <li>- ахбороти етарли бўлмаган инвесторлар нархларни асоссиз кўтариб юбориши мумкинлиги;</li> <li>- юридик маслаҳатчининг таклифлари иккиланишларга сабаб бўлиши мумкинлиги;</li> <li>- нархларни салоҳиятли инвесторлар томонидан келишилган ҳолда кўтариш ёки тушириб юбориш мумкинлиги.</li> </ul>
<b>Book building усули</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- нархни аниқлаш талаб таҳлилига асосланганлиги;</li> <li>- баҳолашнинг шаффофлиги ва инвесторлар таркиби нарх орқали аниқланиши;</li> <li>- инвестор фикрини ва компания қийматини ифода этиши;</li> <li>- акциядорлар сонининг камлиги;</li> <li>- нархларни белгилашда савдо ташкилотчиси эркинлиги.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- аудитория сони чекланганлиги ва чакана инвестор четлашуви;</li> <li>- акциялар ликвидлиги паст бўлиши мумкинлиги.</li> </ul>

1-жадвалдан кўринадики ушбу уч усул орасида энг кучли жиҳатлар бу «Book-building» усулида жамланган. Тадқиқотлардан кўринадики, «аукцион усулида» электрон тизимда иштирокчилар аниқ тарқатиш принциплари асосида энг юқори харидорларга амалга оширилиши охир оқибатда 1990 йилларга келиб Лондон фонд биржасида очик нархда «Book-building» усулидан фойдаланиш энг юқори ўринга чиқишига сабаб бўлган<sup>9</sup>. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида IPOни ташкиллаштиришда «Book-building» усули механизмларидан фойдаланиб келинмоқда. «Book-building» усулида инвесторлар учун барча муҳим маълумотларни тўплаш ва буюртмалар портфелини шакллантириш учун тегишли роад шоулар ташкил этилади. Буюртмалар портфели андеррайтер учун кўрсатмалар ва маълумотлар манбаи бўлиб, у инвесторларнинг талаблари тўғрисида маълумот олишга ёрдам беради. Шунингдек, буюртмалар портфели акциялар


<sup>8</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

<sup>9</sup> Tong Jing Lim\*, Building a better bookbuilding system – an examination of the uk’s bookbuilding regime and proposed reforms, UCL Journal of Law and Jurisprudence, DOI: 10.14324/111.2052-1871.071, 2016, p-242.-  
<https://pdfs.semanticscholar.org/1bbc/31a8779b5786a7ba724e9a2fff172a4b390d.pdf>.

сонини мавжуд талабга мослаштириш имкониятини ҳам тақдим этади. Қатъий нарх усули ва book-building усули ўртасидаги асосий фарқ шундаки, book-building усулида инвесторлар нархлар ва акцияларни жойлаштиришга таъсир қилиши мумкин.

Диссертациянинг «Мамлакатимизда акцияларни оммавий жойлаштириш амалиёти таҳлили» деб номланган иккинчи бобида мамлакатимизда қимматли қоғозлар савдосини ташкил этишнинг амалдаги ҳолати, «Кварц» акциядорлик жамияти (АЖ) томонидан акцияларни оммавий жойлаштириш амалиёти, «Қўқон механика заводи» ва «Жиззах пластмасса» акциядорлик жамиятлари томонидан акцияларни оммавий жойлаштириш амалиёти таҳлил қилинган ва боб якунида илмий асосланган хулосалар шакллантирилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда акциядорлик жамиятлари устав капиталидаги давлат улушини сотиш ва бу орқали хусусийлаштириш жараёнини самарали ташкил этиш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Амалга оширилаётган ислохотларга қарамадан бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд акциядорлик жамиятларида давлат улуши жуда юқори эканлигига тадқиқот жараёнида гувоҳ бўлдик (3-расм).



**3-расм. Акциядорлик жамиятлари устав фондидаги акция эгалари улуши (02.07.2021 йил ҳолатига)<sup>10</sup>**

3-расмдан кўринадикки 2021 йил 2 июль ҳолатига кўра республикадаги акциядорлик жамиятлари устав капиталининг 86,8 фоизи бевосита давлатга ва давлат эгаллигидаги хўжалик бошқарув органларига тегишли. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, акциядорлик жамиятлари устав

<sup>10</sup> www.deponet.uz – Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.



капиталида давлатнинг улушини юқорилигини ижобий ҳолат деб бўлмайди. Сабаби, акциядорлик жамиятларида давлат улушининг юқорилиги мамлакатимизга нисбатан хорижий инвесторларнинг қизиқиши камлиги сингари салбий жиҳатлар билан бир қаторда қимматли қоғозлар бозорини ривожланишига ҳам тўсқинлик қилмоқда. Бизнинг фикримизча, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори акциядорлик жамиятлари уставида битта акциядор эгалик қилиши мумкин бўлган улуш бўйича энг юқори чегарани белгилаб қўйиш орқали улар акцияларининг бирламчи ва иккиламчи оммавий жойлаштирилишида инвесторлар, хусусан институционал инвесторларнинг ўз улушларини ошириб бориш имкониятини бериш орқали хусусийлаштиришни самарали ташкил этиш мумкин.

Республикамизда IPO амалиётига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 268-сонли қарорига асосан акциялари бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий таклифи орқали сотилиши белгиланган «Кварц» АЖ томонидан 2017 йил 5 декабрда старт берилди ва натижалари қуйидагича (2-жадвал).

## 2-жадвал

### «Кварц» АЖ томонидан ўтказилган IPO натижалари таҳлили<sup>11</sup>

№	Натижалар	1 донга акция сотилиш нархи			Жами
		3000 - 3999 сўм	4000 - 4999 сўм	5000 сўм ва ундан юқори	
1	Сотилган акциялар сони (дона)	2 432 817	29 771	12 861	2 475 449
2	Сотилган умумий акциялар сонига нисбатан фоизда	98,3	1,2	0,5	100
3	Акцияларни сотишдан тушум сўммаси (млн. сўм)	7 334, 568	124,75	64,5	7523,8
4	Тушум умумий суммасига нисбатан фоизда	97,5	1,7	0,8	100
5	Андеррайтер хизматлари (2 фоиз) (млн. сўм)	146,691	2,495	1,29	150,476
6	Брокер хизматлари (0,045 фоиз) (млн. сўм)	3,300	0,056	0,029	3,385
7	«Тошкент» РФБ хизматлари (0,15 фоиз) (млн. сўм)	11,002	0,19	0,09	11,282
8	Депозитарий хизматлари (0,05 фоиз) (млн. сўм)	3,667	0,062	0,032	3,761
9	IPO* ўтказиш бўйича жами харажатлар (млн. сўм) (реклама харажатларидан ташқари)	164,66	2,803	1,441	168,904
10	Сотишдан олинган даромад (млн. сўм)	7 169,9	121,95	63,1	7354.9

2-жадвалдан кўринадикки, акцияларни сотишдан жами тушум 7523,81 млн. сўмни ташкил қилган. Бунда андеррайтер хизматлари учун 150,47 млн.сўм, Брокер хизматлари учун 3,38 млн.сўм, «Тошкент» РФБ хизматлари учун 11,28 млн.сўм ва реклама харажатлари учун 113,73 млн.сўм сарф

<sup>11</sup> www.uzse.uz. «Тошкент» РФБ сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

харажат қилинган. «Кварц» АЖ томонидан ўтказилган IPO натижасида харажатларни ҳисобга олганда 7244,95 млн. сўм капитал жалб қилишга эришган. Шундан 4,2 млрд. сўм устав жамғармасини оширишга йўналтирилди, 3 млрд. сўмдан зиёд сумма эса акциядорлик жамияти қўшилган капиталини оширди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «Кварц» АЖ томонидан Ўзбекистонда илк бор ўтказилган IPO натижаларини ижобий деб баҳолаш мумкин. Лекин савдога қўйилган акцияларнинг бор йўғи 54,1 фоизи жойлаштирилганлигини ижобий ҳолат эмас. Бунда асосий сабаблардан бири шубҳасиз ариза қабул қилиш даврининг тўғри белгиланмаганлигидир. Бизнинг фикримизча, акциядорлик жамиятлари томонидан индивидуал инвесторларга акцияларни оммавий таклиф қилиш даври сифатида аҳоли даромадлилиги ва харид қуввати нисбатан юқори бўладиган даврда ушбу амалиёт ташкил этилиши лозим. Чунки мамлакатимизда ноябрь-март ойларида аҳолининг харажатлари бошқа ойларга қараганда нисбатан юқори бўлади. Шунингдек, харажатларга тескари равишда аҳоли даромадлари ноябрь-март ойларида паст бўлади. Агар «Кварц» АЖ томонидан оммавий жойлаштириш амалиёти май-октябрь оралиғида савдога қўйилганда оммавий жойлаштириш муваффақиятли бўлиши мумкин эди. Чунки «Кварц» акциядорлик жамияти Фарғона вилоятида жойлашаганлиги, Фарғона вилоятида деҳқончилик ва боғдорчилик ҳам ривожланганлигини ҳисобга олган ҳолда муддатни белгилаганда, ҳаттоки миграциядан ҳам маблағ кириб келар эди.

### 3-жадвал

#### «Кварц» АЖ томонидан ўтказилган IPO натижалари таҳлили<sup>12</sup>

Келиб тушган аризаларнинг гуруҳланиши	Ариза тушган қимматли қоғозлар сони	Қимматли қоғозларнинг тақсимланиши
3270,4 сўм	1420	0
3271.0 сўм	905833	839534
3272.0-3275.0 сўм	2131962	2131962
3275.1-3280.0 сўм	1004978	1004978
3280.1-3285.0 сўм	313032	313032
3285.1-3290.0 сўм	73965	73965
3290.1-3295.0 сўм	29341	29341
3295.1-3300.0 сўм	165065	165065
3301.0-3310.0 сўм	165235	165235
3311.0-3350.0 сўм	97122	97122
3355.0-3500.0 сўм	1400	1400
3501.0-4000.0 сўм	826	826
<b>Жами</b>	<b>4890179</b>	<b>4822460</b>

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4300-сонли Қарорига асосан 2019 йилда

<sup>12</sup> www.uzse.uz. «Тошкент» РФБ сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

«Кварц» АЖ давлат улушининг 5 фоизи SPO кўринишида оммавий савдога чиқарилди (3-жадвал).

3-жадвалдан кўринадики «Кварц» акциядорлик жамиятини 4890179 дона акцияларини сотиб олиш бўйича аризалар келиб тушган. Лекин жамият томонидан 4822460 дона акция қаноатлантирилган. Жумладан; акция нархининг энг паст чегара қиймати 3270,4 сўм бўйича келиб тушган 1420 та акция қаноатлантирилмаган. Шунингдек акция нархини 3271.0 сўм бўйича келиб тушган 905833 дона акциядан, 839534 донаси ёки 92.6 фоизи қаноатлантирилган. «Кварц» АЖ томонидан чиқазилган қимматли қоғозларни сотиб олишга мамлакатимиз аҳолисини қизиқиши ошиб боришининг асосий сабабларидан бири сифатида «Кварц» АЖнинг SPO амалиётида андеррайтер сифатида фаолият олиб борган «Freedom finance» инвестицион компанияси томонидан лоторея ўйинларини ташкил этилганлигини ҳам қайд этиб ўтиш зарур. Шунингдек, жамият томонидан оммавий савдоларга инвесторларнинг кенг қатламини жалб қилиш мақсадида ҳар бир шахсга сотувга қўйилган акцияларнинг 0,1 фоизидан (4822 дона) ортиқ бўлмаган миқдорини харид қилиш имконияти яратилган. «Кварц» акциядорлик жамиятининг устав капиталидаги давлат улушининг 5 фоизини SPO амалиёти орқали сотилиши натижасида давлат бюджетига 15823,87 млн. сўм миқдоридан маблағ келиб тушган.

«Кўқон механика заводи» АЖ томонидан 2018 йил 11 декабрда бошланган SPO амалиётининг тугаш муддати сифатида 2018 йил 24 декабрь белгиланган. Ушбу вақт оралиғида акцияларнинг нарх диапазони 1000 сўмдан 4000 сўмгача бўлган (4-жадвал).


#### 4-жадвал

#### «Кўқон механика заводи» АЖ SPO амалиёти таҳлили<sup>13</sup>

№	Келиб тушган аризаларнинг гуруҳланиши	Ариза тушган акциялар сони	Акцияларнинг тақсимланиши	Жами тақсимланган акцияларга нисбатан (фоизда)
1	1000 сўм	956337	371724	16,62
2	1001-1050 сўм	1228068	1228068	54,91
3	1051-1100 сўм	315777	315777	14,12
4	1101-1150 сўм	176120	176120	7,87
5	1151-1200 сўм	61750	61750	2,76
6	1201-1250 сўм	12398	12398	0,55
7	1251-1300 сўм	48147	48147	2,15
8	1301-1350 сўм	8944	8944	0,40
9	1351-1400 сўм	1118	1118	0,05
10	1401-1500 сўм	12348	12348	0,55
11	1501-2000 сўм	48	48	0,002
12	2001-4000 сўм	10	10	0,0004
<b>Жами</b>		<b>2821065</b>	<b>2236452</b>	<b>100 фоиз</b>

<sup>13</sup> www.uzse.uz. «Тошкент» РФБ сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

4-жадвалдан кўринадики, 2019 йил 1 январь ҳолатига «Кўқон механика заводи» АЖни акцияларини сотиб олиш бўйича жами 2821065 дона акцияни сотиб олиш бўйича 2843 та ариза келиб тушган. Бу рақамлар, ўз навбатида, сотувга қўйилган акцияларга бўлган талаб 126 фоиздан ортиқ бўлганлигини ҳамда қимматли қоғозларнинг янгича усулдаги сотуви муваффақиятли ўтганлигини кўрсатмоқда. «Кўқон механика заводи» АЖнинг SPO амалиётида ҳам «Freedom finance» инвестицион компанияси андеррайтер сифатида фаолият олиб борганлиги билан бир қаторда лоторея ўйинларини ташкил этилганлиги оммавий жойлаштириш амалиётини муваффақиятини таъминлаб берди.



**4-расм. «Кўқон механика заводи» АЖ акцияларининг SPOдан олдин ҳамда SPOдан кейин акциядорлари таркиби<sup>14</sup>**

